



«КЕЛИШИЛДИ»  
«Respublika teleradiomarkazi»  
давлат мұаассасаси  
бөш директори Ш. Расулов

январь 2022 ыил



«YOSHLAR» телерадиоканали АЖ қошидаги «BOLAJON» телеканалининг бюджетдан  
2022 ыил 1 чорак учун «Respublika teleradiomarkazi» ДУК техник воситаларидан фойдаланиш режаси

№ п/п	техник воситалар	1 соатли тариф бағоси ҚҚС б-н Сүмда)	I-чорак		жумладан ойлар бўйича (соат)		
			сумма (минг. сўм)	режаси (соат)	Январь	Февраль	Март
1	SERVER	67 676	50 757	750	250	250	250
2	Марказий аппарат	49 325	29 595	600	200	200	200
3	Тайёргарлик:		57 599				
	АСБ-3 (тайёргарлик) 600м2 хажмли	381 958	57 599	151	50	50	51
4	Тасвир ёзиш:		190 568				
	АСБ-3 (тасвир ёзиш) 600м2 хажмли	385 566	104 103	270	90	90	90
	АСБ-9,м2 (яшил фон)	9 140	1 645	180	60	60	60
	В.кам AJ-PX 800 GF	36 609	73 584	2 010	670	670	670
	В.кам AJ-PX 380 GF	36 011	11 235	312	104	104	104
5	Бошка тех.ускуналар:		63 256				
	ARRI L5 -C LED ранг харорати 2800 дан 10000 К гача	33 987	5 302	156	52	52	52
	DEDOWEIGERT прожектор комплект	29 166	2 625	90	20	20	50
	Студия учун LED монитор АСБ -3	35 033	6 306	180	60	60	60
	Sachtler 1000 комплект	12 203	2 013	165	55	55	55
	Кран Egripment Сканер Элит	109 082	31 088	285	95	95	95
	Рельс тележка Egripment Matador Dolly	66 063	15 921	241	80	80	80
6	Видеомонтаж:		42 411				
	SX Видеомагнитафон DNW-65,75	9 347	1 963	210	70	70	70
	Дубляж-монтаж аппаратхоналари	44 463	8 670	195	65	65	65
	Куп форматли кучириш -езиш ТМА 42,104	24 442	3 666	150	50	50	50
	Ракамлаштириш	44 269	13 281	300	100	100	100
	ночицикли аппаратхоналар	20 734	12 440	600	200	200	200
	Монитор 42,55	14 512	2 390	165	55	55	55
	Жами		435 000				

Директор ўринбосари

Ш. Жўраев

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг  
“Yoshlar” телерадиоканали” акциядорлик жамияти қошидаги “BOLAJON” телеканали ва  
“Respublika teleradiomarkazi” давлат муассасаси ўртасида 2022 йил I чорак учун тузилган

## ШАРТНОМА № 5

Тошкент шаҳри

“12” 01 2022 йил

“Yoshlar” телерадиоканали” акциядорлик жамияти қошидаги “BOLAJON” телеканали номидан (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) Уставга асосан директор X.Эргашев бир томондан ва “Respublika teleradiomarkazi” давлат муассасаси (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталади) номидан Уставга асосан Баш директор Ш.Расулов иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар хақида туздилар:

### I. Шартнома предмети.

1.1. “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг барча тизимларига телерадиомаҳсулот ишлаб чиқариш ва эфирга тайёрлаш, узатиш, техник технологик ва бошқа хизматлар кўрсатишда, телерадио техник воситалар билан хизмат кўрсатишни, “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизматларни қабул қилиб олиш ва лозим бўлган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

#### 2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

-хар кандай вактда “Ижрочи”нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш;

-мазкур шартнома ва буюртмага мувофиқ кўрсатиладиган техник хизматларни тегишли сифатга эга бўлишини талаб қилиш;

#### 2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

-ўз вактида (ПТЭ – 2000) асосан “Ижрочи”га 2022 йил I чоракда кундалик дастур жадвалини, ҳафталик иш жадвалини, техника воситаларидан фойдаланиш учун буюртмаларни, барча техник воситалар иш ҳажмларини дастлабки чорак режаларини, (чорак бошланишига 30 кун қолганда), аппаратхоналарни ойлик иш режаларини (ойнинг 14 кунигача), хизмат турлари бўйича аниқ ва равшан кўрсатган ҳолда топшириш;

- ПТЭ-2000 талабларига асосан амалга ошириладиган буюртмадаги техник хизматларини бажариш учун топшириш;

-ажратилган техник воситалардан, хоналардан, мебель, телефон аппаратлари ва бошқа моддий бойликлардан фойдаланилаётган давр мобайнида тўла моддий жавобгарлик юклатилиди. Фойдаланиш жараёнида техник воситаларга етказилган моддий зарар “Буюртмачи” томонидан тўлиқ қопланади;

-фойдаланилган техник воситалар, хоналар ва бошқа моддий бойликлар ҳамда қабул қилиб олинган техник хизматлар учун ҳар ойда ўрнатилган тартибда ҳақ тўлаш;

-соат (22-00 дан 06-00 гача) кўрсатилган техник хизматлар учун (эфир вакти бундан мустасно) тасдиқланган тарифнинг 1,3 баробари миқдорида ҳақ тўлаш;

-хар ойда режа ва ҳақиқий иш ҳажмини бажарилишини аппаратхона, КТС (кўчма телевизион станция), ТОГ (тасвирга олиш гурухи) журналларида қайд этилган ҳақиқий бажарилган иш ҳажми билан таққослаш асосида назорат қилиб бориш;

-“Ижрочи” томонидан хизмат сафарига жўнатилаётган техник ускуна ва ходимларнинг хавфсизлигини тўлиғича ўз зиммасига олиш.

-техник воситалардан фойдаланиш қоидаларига риоя қиласлик оқибатида пайдо бўлган бузилишларни бартараф этишни ўз хисобидан амалга ошириш;

-техникадан фойдаланиш қоидаларига риоя қиласлик “Буюртмачи” иштирокида “Ижрочи” томонидан тузиладиган далолатномада акс эттирилади.

### **2.3. “Ижрочи”нинг ҳуқуқлари:**

-кўрсатилган техник хизматлар учун “Буюртмачи”дан мазкур шартномага мувофиқ олдиндан тўловни ҳамда тўлиқ хисоб-китоб қилишни талаб қилиш;

-кўрсатилган техник хизматларни қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортган ҳолларда “Буюртмачи”дан етказилган заарни қоплаб беришни талаб қилиш;

### **2.4. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:**

-“Буюртмачи”нинг топшириқларини тасдиқланган режа доирасида техник воситалар, мухандис-техник ходимлар, ҳамда ишчи-хизматчилар ёрдамида мазкур шартномада белгиланган техник хизматларни сифатли бажариш;

-кўрсатилган техник хизматларни Давлат, тармок стандартлари, (ПТЭ – 2000 қоидалари) ва расмий ҳужжатлар асосида амалга ошириш;

-жорий йилнинг биринчи июлигача, мавжуд техник воситаларни - овоз ёзиш аппаратхоналарни, янги техникини ишга тушириш, ишлаб чиқариш участкаларини қайта тиклаш ва хисоб-китобини ишлаб чиқиб “Буюртмачи”га топшириш;

-ажратилган хоналарнинг тозалигини, телефон, соат ва бошқа жиҳозларнинг доимий ишлаб туришини таъминлаш;

-барча техник ускуналарни сақлаш, эксплуатация қилиш ва техник ҳолатини талаб даражасида бўлишини таъминлаш;

-техник ускуналарни ўз вактида ва белгиланган муддатда профилактика қилиш ва ажратилган маблағ доирасида капитал таъмирлаш ишларини бажариш;

-барча аппаратхоналарни буюртма асосида ишлашини таъминлаш;

## **III. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.**

3.1. “Буюртмачи”нинг техник ускуналардан фойдаланган вақтлари аппаратхона журнallарида кайд этилиб, икки тараф вакиллари томонидан имзоланади ва бу бирламчи расмий ҳужжат деб хисобланади.

3.2. Агар кўрсатилган техник хизматлар сифатсиз бажарилган бўлса, унда томонлар бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш жараёнида расмий ҳужжат тузадилар, бу ҳужжатларда аниқланган камчиликлар кўрсатилади, уларни бартараф этиш усувлари ва муддатлари белгиланади.

## **IV. Шартнома баҳоси ва хисоб-китоблар тартиби:**

### **4.1. Шартноманинг умумий баҳоси бюджет маблағлари хисобидан – 435 000 000,0 (Тўрт юз ўттиз беш миллион) сўмни ҚҚС билан ташкил ташкил қиласи.**

-Мазкур сумма ўзгарувчан бўлиб, ҳар ой якуни бўйича томонлар ўртасида имзоланадиган бажарилган ишлар далолатномасига асосан камайиши ёки ортиши мумкин.

4.2. Кўрсатилган техник хизматларнинг қиймати тасдиқланган тарифга асосан тўланади. Тариф нарх-наво ўзгаришига ва маошларни индексациясига қараб қайта кўриб чиқилади.

4.3. “Ижрочи” кўрсатилган техник хизматлар харажатлари кайд қилинган ҳужжат(хисоб-фактура)ни ва ойлик ҳисоботни «Буюртмачи»га ҳар ойнинг 3-санасигача топширади.

4.4. “Буюртмачи” келишилган ойлик ҳисоботни ҳар ойнинг 10-санасигача “Ижрочи”га тасдиқлаб топширади.

4.5. “Буюртмачи” “Ижрочи”га кўрсатиладиган техник хизматлари учун 30% миқдорида олдиндан тўловни жорий ойнинг 20 санасигача амалга оширади. Қолган 70% тўлов ҳар ой якуни бўйича томонлар ўртасида имзоланадиган бажарилган ишлар далолатномаси асосида амалга оширилади.

4.6. “Буюртмачи” кўрсатиладиган техник хизматлардан фойдаланиш тўловини чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан “Ижрочи”нинг хизматлари учун деб ажратилган маблағлари Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тасдиқланадиган график, томонлар ўртасида тузилган баённомалар ва улар асосида имзоланадиган далолатномалар бўйича тўлиқ амалга оширади.

4.7. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га Шартнома баҳосини тўлаш “Ижрочи”нинг мазкур Шартномада кўрсатилган хисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.8. “Буюртмачи” техник воситалардан режада кўрсатилгандан ортиқ фойдаланса, тўлов хақиқий бажарилган иш ҳажми миқдорида тўланади.



4.9. “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”нинг ўз ходимларига, видеоматериалларни ночизикли монтаж қилиш, коинотдан қабул қилиш ва видеоматериалларни кўриш бўйича ажратилган видеомагнитофонларни кунлик иш ҳажми 8 соатдан ҳисобга олинади.

4.10. “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”га хизмат сафари учун ажратилган техник воситаларнинг кунлик иш ҳажми 12 соатдан ҳисобга олинади.

4.11. “Буюртмачи” хизмат сафари бўйича буюртмани камида 3 кун муддат ичida ёзма билдиришнома асосида бекор қилиши мумкин, акс ҳолда “Ижрочи”нинг барча сафар харажатларини белгиланган тартибда коплаб беради, Давлат тадбирлари муносабати билан тақдим этиладиган буюртмалар бундан мустасно.

4.12. Куйидаги ҳолатларда техник хизматлар иш ҳажмига киритилмайди ва ҳақ тўланмайди;

- “Ижрочи”нинг айби билан содир этилган техник тўхташ вакти учун;
- “Ижрочи”нинг айби билан чўзилиб кетган иш вақтига;
- Кундузги ва кечки кўрсатувлар орасидаги танаффус 45 дақиқадан ортиқ бўлса;
- “Буюртмачи” техник воситалардан фойдаланиш қоидасида қайд килинганидек “Ижрочи”ни ўз вақтида огохлантириб, бошқа вақтга кўчирилган ёки ўзгартирилган иш учун; Эслатма; -“Ижрочи”нинг айби билан иш тўхтаб қолса ёки ўзгартирилса, режалаштирилган иш “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда ва уларга кулагай вақтда “Ижрочи” томонидан бажарилади.

4.13. Иш ҳажмига киритиладиган ва ҳақ тўланадиган асослар:

- “Буюртмачи”нинг айби билан техник хизмат вақти кечикса ёки вақт узайтирилса.
- “Буюртмачи”нинг айби билан ПТЭ-2000 да кўрсатилган вақтдан кейин буюртма бекор қилинса.

4.14. “Буюртмачи” томонидан техник технологик хизматларга буюртма берилганда техник воситаларни жойигача етказиб бериш бўйича ёрдамчи маҳсус автотранспорт воситалари учун сарфланадиган харажатлар “Ижрочи” томонидан копланади.

4.15. Республиканинг турли ҳудудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) тайёрланадиган кўрсатув ва трансляцияларга жалб қилинаган КТС ҳамда кўшимча техник-технологик воситалар (РРЛ, кран, рельс, кўшимча камералар, магнитофон) “Ижрочи” томонидан белгиланган манзилга етказилгандан сўнг, “Буюртмачи” белгиланган кўрсатув ва трансляцияларни тайёрлашга сарфланган ҳақиқий иш ҳажми учун ҳақ тўлайди.

4.16. “Буюртмачи” нинг буюртмасига мувофиқ жалб қилинадиган барча турдаги техник-технологик хизматлар учун ҳақиқатда фойдаланилган иш ҳажмидан келиб чиқиб ҳақ олинади, хизмат сафари учун ажратилган шартноманинг 4.10-бандида кўрсатилган техник-технологик воситалардан ташқари.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Кўрсатиладиган техник хизматлар муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда “Ижрочи” “Буюртмачи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Кўрсатилган техник хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов сумасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Шартноманинг шартини бузганлиги учун пеня тўлаш, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш томонларни шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.4. Жарима, пеня тўлаганлигидан катъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни нормаларига асосан белгиланади.

## VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Мазкур шартномада ёки унга бояглик масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Томонларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VII. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Томонларга боғлик бўлмаган фавқулотда ҳолатлар (сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошка табиий оғатлар, шунингдек томонлар назорат қила олмайдиган бошка ҳолатлар) содир бўлиши оқибатида шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 15.02.2005 й. № 63 сон Қарори).

## VIII. Кўшимча шартлар

8.1. Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарганда ҳамда хизматлар ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун муддат ичидаги ёзма маълумот беради.

8.2. Шартнома 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 марта гача амал қиласди.

8.3. Шартномага ўзгаришиш ва қўшимчалар фақатгина томонларнинг ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

8.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сакланади.

### Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

“Respublika teleradiomarkazi”  
давлат муассасаси

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 69 уй  
Тел./факс 214-17-01  
(х/в ёки шфх) 20210 00060 44808 28001  
Банк номи АТ Алоқа банк

МФО 00401 СТИР 206045069  
ИФУТ 60200

«Буюртмачи»

“Yoshlar” телерадиоканали ”  
акциядорлик жамияти қошидаги  
“BOLAJON” телеканали

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 69 уй  
Тел./факс 214-19-97  
шфх\*1000 1086 0262 7770 8420 0137 002  
Ташкилотнинг СТИРи 206186265

ИФУТ 60200

Ғазначилик бўлинмасининг номи  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
**ЯFX23 402 000 300 100 001 010**

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази  
(ҲККМ)

МФО:00014 Ғазначилик бўлинмасининг  
СТИРи 201122919

Бош директор

(лавозими)

(имзо)  
М.ў.

Ш.Расулов  
(Ф.И.О.)

Директор  
(лавозими)

(имзо)  
М.ў.

Х.Эргашев  
(Ф.И.О.)



Per. № 05

